



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 1

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№1 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-1>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Kutpiddinov Xusniddin Muxiddinovich

ETIM BOLALAR VA OTA-ONA QARAMOG‘IDAN MAHRUM BO‘LGAN BOLALARNI JOYLASHTIRISH SHAKLLARINING HUQUQIY VA INSTITUTSIONAL ASOSLARI.....5

2. Авлиякулова Матлуба Авазовна

КОРПОРАТИВ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ.....13

3. Раҳимкулова Лола Улуғмуродовна

ИШ ТАШЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ. ҚОНУНЧИЛИҚДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН КАФОЛАТЛАР.....21

4. Karimova Nigina Botirjon qizi

YO‘QOLIB KETISH XAVFI OSTIDAGI YOYVOYI FAUNA VA FLORA TURLARINI MUHOFAZA QILISHDA VASHINGTON (CITES) KONVENSIYASINING HUQUQIY ANAMIYATI.....28

5. Xakberdiyev Nurali Salaxiddinovich

ICHKI ISHLAR ORGANLARI XODIMLARINING PROFESSIONAL FAOLIYATINI BELGILOVCHI OMILLAR.....35

6. Turayev Jo‘rabek Shonazarovich

JORIY SHAROITLARDA ICHKI ISHLAR ORGANLARINING JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA‘MINLASH FAOLIYATINING ILMIIY-NAZARIY TAVSIFI.....43

7. Hojiyev Nosirjon Komilovich

YO‘L HARAKATI VA TRANSPORT VOSITALARIDAN FOYDALANISH QOIDALARINI BUZGANLIK UCHUN JINOIY JAVOBGARLIKNI TAKOMILLASHTIRISH MUAMMOLARI.....50

8. Рузиев Маъруфжон Муртазаевич

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШУВИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....58

9. Orakbayev Erpolat Temirbay ugli

TERGOV SUDYASI INSTITUTI: SHAKLLANISH TARIXI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....65

10. Husanboev Sardor Abdukarimovich


YOSHLAR O‘RTASIDA EKSTREMISTIK TAHDIDLARNING PROFILAKTIK CHORATADBIRLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI.....72

11. Xolmirzayev Muhsinbek Shavqiddin o‘g‘li

KRIMINOLOGIK SIGNAL TIZIMI (REAL-TIME ALERTS): SUN‘IY INTELLEKT ASOSIDA JINOYAT XAVFINI OLDINDAN ANIQLASH VA PROFILAKTIKA QILISH MODELII.....82

12. Курбонов Давлат Равшанович

ШАХС ОЗОДЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ ИЖТИМОИЙ-БИОЛОГИК ТАВСИФИ.....87




Рузиев Маъруфжон Муртазаевич,

Жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг тергов судьяси,
Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг
мустақил изланувчиси
E-mail: marufzhon.ruziyev.84@bk.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШУВИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

For citation: Ruziev Marufjon Murtazaevich. LIBERALIZATION OF CRIMINAL PUNISHMENTS IN UZBEKISTAN AS AN IMPORTANT FACTOR IN THE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 1.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18509363>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Жиноят кодексининг умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар асосида қабул қилинган ҳуқуқий акт эканлиги, унинг вазифалари, принциплари, мақсади олдинги қонунлардан тубдан фарқ қилиши ҳақида таҳлил қилинган. Шунингдек, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноий қилмишларга тайинланадиган жазо турларини такомиллаштириш, енгил жазо турларига алмаштириш, жиноий жазо мақсадининг аҳамияти, жиноятга оид сиёсатнинг жиноятчиликни камайтиришдаги роли, жиноятчиликнинг комплекс сабаблари мавжуд бўлганда, унинг ўсишига йўл қўймаслик, жиноят қонуни талабларини бузган шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир чоралари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий норма, норматив ҳужжат, ҳуқуқий акт, жиноят қонунчилиги, либераллаштириш, пропорционал, презумция, ахлоқан тузатиш, либеритар, концепция, конструктив, объектив шароит.

Рузиев Маъруфжон Муртазаевич,

Следственный судья Булунгурского районного суда по уголовным делам,
Самостоятельный соискатель Самаркандского
государственного университета имени Ш. Рашидова
E-mail: marufzhon.ruziyev.84@bk.ru

ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ УГОЛОВНЫХ НАКАЗАНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ЗАЩИТЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается Уголовный кодекс Республики Узбекистан как нормативно-правовой акт, принятый на основе общепризнанных норм международного права. Анализируются его задачи, принципы и цели, которые принципиально отличаются от ранее действовавшего уголовного законодательства. Особое внимание уделяется вопросам либерализации уголовных наказаний, совершенствования их системы, расширения

применения более мягких видов наказаний, а также значению целей уголовного наказания. Раскрывается роль уголовно-правовой политики в снижении уровня преступности и предотвращении ее роста при наличии комплексных причин. Также рассматриваются меры воспитательного воздействия, применяемые в отношении лиц, нарушивших требования уголовного закона.

Ключевые слова: правовая норма, нормативно-правовой акт, уголовное законодательство, либерализация уголовных наказаний, пропорциональность, презумпция, нравственное исправление, либертарный подход, концепция, объективные условия.

Ruziev Marufjon Murtazaevich,

Investigative Judge of the Bulungur District Criminal Court,
Independent Researcher at Samarkand State University named after Sh.Rashidov
E-mail: marufzhon.ruziyev.84@bk.ru

LIBERALIZATION OF CRIMINAL PUNISHMENTS IN UZBEKISTAN AS AN IMPORTANT FACTOR IN THE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS

ANNOTATION

The article examines the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan as a normative legal act adopted on the basis of universally recognized norms of international law. The tasks, principles, and objectives of the Criminal Code are analyzed, emphasizing their fundamental differences from previously existing criminal legislation. Special attention is paid to the liberalization of criminal punishments, the improvement of the system of penalties, the expansion of the application of more lenient types of punishment, as well as the significance of the purposes of criminal punishment. The role of criminal policy in reducing crime rates and preventing their growth in the presence of complex causalivce causes is also examined. In addition, the article considers educational and corrective measures applied to persons who have violated the requirements of criminal law.

Keywords: legal norm, normative legal act, criminal legislation, liberalization of criminal punishments, proportionality, presumption, moral correction, libertarian approach, concept, objective conditions.

Ўзбекистон Республикаси сўнги йилларда суд-ҳуқуқ ислохотлари жадаллик билан ривожлана бошланди. Бу жараён давлат ва жамият олдида ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш бўйича долзарб ва юксак вазифа, мақсадларни юзага келтирдик, бу борада жиноят қонунчилигини либераллаштириш унинг муҳим институтлари, жумладан, жиноий жавобгарлик, жазо тизими ва жазо тайинлаш институтларини ислох қилишни тақозо этди.

Амалдаги Жиноят қонуни – умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар асосида қабул қилинган ҳуқуқий акт ҳисобланади. Жиноят қонуни ўзининг адолатли тамойиллари ва либераллашгани билан олдинги қонунлардан тубдан фарқ қилади.

Амалдаги Жиноят қонуни, энг аввало, инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлигини тан олиб, уларни қафолатлашни назарда тутди. Шу билан бирга, умумий ҳуқуқ тизимида алоҳида ўрин эгаллаб, ижтимоий муносабатларни тартибга солибгина қолмасдан, балки уларни ҳуқуққа ҳилоф тажовузлардан ҳам ҳимоя қилади.

Собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган жиноят қонунидан фарқли равишда, янги кодексда инсон шаъни ва ҳуқуқлари устувор мезон сифатида белгиланди. Энг муҳими, ушбу кодекс шахсни жиноий тажовузлардан самарали муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш учун пойдевор яратди.

Зотан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “**инсон – жамият – давлат**” тамойилининг туб моҳиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва

давлат манфаатлари, тинчлик ва ҳавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш каби устувор вазифалар ўз аксини топган [11].

Ўтган йиллар мобайнида халқаро стандартлар ва миллий тажрибамиз асосида жиноят қонунчилиги нормалари босқичма-босқич такомиллаштирилди.

Биринчидан, 2001йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун билан амалдаги Жиноят кодексининг **105 та моддасига** жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, кодексда белгиланган жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг **75 фоизга** яқини ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноий жазо тизимидан “**мол-мулкни мусодара қилиш**” жазоси чиқарилиб, инсоннинг ажралмас конституциявий ҳуқуқларидан бири мулкий ҳуқуқининг дахлсизлиги қафолатланди.

Қонунчиликда **ярашув институти** жорий этилиб, давлат органларининг аралашувисиз жиноят натижасида етказилган зарарларнинг қопланиши ва жабрланувчи ҳуқуқларининг қайта тикланиши оқибатида жабрланувчи ва жиноятни содир этган шахсларнинг ўзаро келишуви асосида шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши доираси кенгайтирилди. Шунингдек, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш учун белгиланган **муддатлар қисқартирилди**.

Иккинчидан, 2007йил 11июлда “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жиноий жазолар тизимини либераллаштириш борасида муҳим қадам бўлди.

Учинчидан, 2008йил 10 апрелдаги “Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан жиноят содир этган шахсга жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш амалиёти йўлга қўйилди.

Тўртинчидан, 2012 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан Жиноят кодексидан ўрин олган янгиликлар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ва жиноий жазо тизимини либераллаштириш борасидаги кенг қўламли ишларнинг изчил давоми бўлди. Ушбу қонундаги ўзгартишлар, энг аввало, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни либераллаштиришда ўз ифодасини топди.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни такомиллаштиришда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, ушбу институтни ривожлантиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Аксарият хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида жиноят содир этган шахсга нисбатан жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлашда инсонпарварлик тамойилларига амал қилишга устувор аҳамият берилган.

Хусусан, Беларусь Республикаси Жиноят кодексига жазони енгиллаштирувчи 11 та ҳолат назарда тутилган. Беларусь Республикасида кекса ёшдаги шахснинг жиноят содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири ҳисобланади. Ушбу тартиб Эстония Республикаси Жиноят кодексига ҳам белгиланган.

Россия Федератив Республикаси, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар қонунчилигида жиноят содир этилганидан кейин айбдорнинг жабрланувчига дарҳол тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб белгиланган. Шунингдек, Россия, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон давлатларида жиноят содир этган шахснинг қарамоғида вояга етмаган ёш болалар борлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Эътироф этиш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида “**Инсон кадри учун**” деган эзгу тамойил асосида изчил ислохотлар амалга оширилди.

Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тараққиётимизнинг янги даврини белгилаб берувчи “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ҳамда “Ўзбекистон–2030” стратегияси қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқий пойдеворларидан бири бўлган жиноят қонунчилигини либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш устувор вазифалар этиб белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги жиноят қонунчилигини янада либераллаштирилиши борасида қуйидаги амалий мазмундаги ишлар амалга оширилди:

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилингани мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли қафолатлашда муҳим аҳамият касб этди.

Асосий қонуниimizда “Ўлим жазосини бекор қилиш” каби конституциявий қонуннинг мустаҳкамлангани Жиноят, жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига умуман ўлим жазосини қўллаш билан боғлиқ масалани татбиқ этишга қатъиян йўл қўйилмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сонли қарори билан тасдиқланган 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида рағбатлантирувчи нормаларни, жумладан жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш вазифаси белгиланган.

Ўзбекистонда жиноий жазолар тизимида “мажбурий жамоат ишлари” киритилди. Мажбурий жамоат ишларининг киритилиши муносабати билан жазо тизимидан қамоқ чиқариб ташланди;

жиноят қонунчилигида қилмишининг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тоифасига “Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар бундай мажбурлаш ёхуд қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди” деган қонун назарда тутувчи 41¹-модда киритилди;

Жиноят кодексидан 244-модда чиқарилиб, илгари жиноий юрисдикцияда бўлган “Ўзбекистон Республикасида бўлиш қондаларини бузиш” учун жавобгарлик Маъмурий юрисдикцияга ўтказилди;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 декабрдаги “Бола ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан 13 ёшдан жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи норма чиқариб ташланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлини танлаган экан, жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш бу борадаги энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бироқ қонун устуворлигини таъминлаш кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига боғлиқ бўлса-да, бу борада давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси ҳам муҳим ўрин тутуди. Чунки турли қонун бузилишлари ва жиноятчиликка қарши кураш, уларнинг олдини олиш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаш қонун устуворлигини таъминлашда давлатнинг ролини

оширади. Шу маънода ҳозирда жиноят содир этганларга нисбатан адолатли жазо тайинлаш жазонинг асосий мақсадларига эришишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Айниқса, вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида алоҳида ўрин эгаллаган. Шу билан бирга, вояга етмаганларга жазо тайинлаш борасида мамлакатимиз жиноят қонунчилиги ва хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда унинг ижобий томонларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади [4, Б.50].

Мустақиллик йилларида халқимизга хос бўлган инсонпарварлик принципларига асосланган амнистия актларига кўра, биринчи маротаба жиноят содир этган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан кўзғатилган жиноят ишлари тугатилиб, жазодан озод этилиши белгиланган. Шунингдек, дунёнинг ривожланган давлатларидан фарқли ўларок, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида вояга етмаганлар, аёллар ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан жазо тайинлашда бир қанча енгилликлар берилган. Хусусан, ушбу тоифадаги шахсларга умрбод қамок жазоси қўлланилмаслиги ҳам шулар жумласидандир. Бундан ташқари, либераллаштириш асосида киритилган нормаларда вояга етмаганлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилган бўлса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик белгиланган.

Шунингдек, соҳадаги кенг қамровли ислоҳотлар натижасида эришилган ижобий кўрсаткичларни келтириб ўтсак: 2023 йилда **1244 нафар** шахс оқланиб, реабилитация қилинди; **7362 нафар** шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залида қамокдан озод қилинди, **33612** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **12286 нафарига** тайинланган жазоси енгилли билан алмаштирилди ва **13522 нафар** шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асосиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди, **272 нафар** шахсга (ёшлар, аёллар ва бошқалар) қафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди; ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 2023йилда **14698 нафар** шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш орқали жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда, бошқа енгилроқ жазо тайинлаш йўли билан жамиятга қайтариш имкониятини яратиш, яъни уни ахлоқан тузатишдан иборатдир. Айнан шу мақсадларда бугунги кунда дунё миқёсида ҳуқуққа ва у билан боғлиқ барча ҳодисаларга баҳо беришда “либеритар” (эркинликни таъминлаш воситаси сифатида) ёндашув устувор мавқени эгалламоқда. Бу концепцияга асосан ҳуқуқ, аввало, эркинлик ва адолат мезони, уларни таъминлаш воситаси, аҳоли хавфсизлиги ҳамда ҳар бир фуқаронинг мулкӣ мустақиллигини таъминловчи норматив тизимдир [2, Б.7].

Бу борада жиноят қонунини либераллаштириш масалалари энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Шу ўринда “либераллаштириш” атамасининг маъносига алоҳида тўхталсак. Либераллаштириш сўзи лотинча *liberalis* – хур фикрли, эркин сўздан келиб чиққан бўлиб, аммо тўғридан-тўғри таржима бу сўзнинг маъносини тўла акс эттирмайди. Аниқроғи, у шунчаки эркинликни эмас, балки инсоннинг эркин фикрлаш, инсон фаолиятининг турли соҳалари ҳақида ҳукм чиқариш, шу жумладан, ҳар қандай сиёсий тузумга баҳо бериш, уни танқид қилиш, ҳатто (конструктив) оппозицияда туриш қобилиятини ифодалайди. Баъзан мазкур атама ҳуқуқ майдони доирасида уларнинг турли вакиллари, шунингдек, либерал оқим, либерал мафкура вакилининг ҳар хил қарашлари ва ғояларига бағрикенглик, хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш маъносида ҳам қўлланилади [9, Б.7].

Либерал қарашлар тизими инсониятнинг энг илғор, муҳими – эзгулик, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ақлли назариялардан биридир.

Либераллаштириш сўзи баъзи ҳолларда эркинлаштириш, енгиллаштириш, одиллаштириш, мўътадиллаштириш кабилар билан ҳам ифодаланади. Лекин бу сўзлар

либераллаштиришнинг фақат муайян қирраларини, мазмунинигина беради холос (масалан, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, жиноят қонунчилиги сиёсатини мўътадиллаштириш, жазо чораларини енгиллаштириш ва ҳ.к.). Яхлит мазмун касб этувчи сўз – либераллаштириш ҳисобланади [7, Б.165].

Либераллаштиришнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, маънавий-ахлоқий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этган И.Э. Хожаназаров унга янада аниқроқ тушунча бериб, «либераллаштириш – ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий ислохотларнинг устувор йўналиши бўлиб, эркинлик, одиллик ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини намоён этган, имтиёз берувчи ва рағбатлантирувчи демократик қоидаларга асосланган миллий қонунчилик тизимини шакллантириш жараёни» эканлигини тўғри таъкидлайди [8, Б.7].

Шунинг учун давлатнинг жиноятга оид сиёсатини амалга ошириш борасидаги ҳар бир қўйган қадами, жиноят қонунчилигини ва уни қўллаш амалиётини ривожлантиришдаги ҳар бир босқич унинг самарадорлиги нуқтаи назаридан ҳам, унинг қонунийлиги, инсонпарварлиги тамойилларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам баҳоланиши керак. Зеро, инсонпарварлик, шубҳасиз, давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати концепциянинг асосий ғояси бўлиб ҳисобланади [3, Б.81-83].

Фақат жазолашнинг ўзи билан жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришнинг иложи йўқлигини жазо масаласини тадқиқ қилган барча тадқиқотчилар таъкидлаганлар. Чунки жиноятчилик муаммосини ҳал этишга жазоловчи ёндашув иқтисодий жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам самарасиздир.

Жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ва умуман келажақда фақат жиноятга оид сиёсатнинг ўзи билан жиноятчиликни бартараф қилишнинг иложи йўқ. Рус криминолог олими А.И. Коробеевнинг фикрига кўра, “Жиноятга оид сиёсатнинг мақсади жиноятчиликни тамоман бартараф қилиб бўлмаслиги ва бу масалада жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия ҳуқуқларидан асосий восита сифатида фойдаланиш низолидир” [5, Б.7]. Унинг таъкидлашича, жиноятга оид сиёсатга жамият тараққиётининг, иқтисодиётнинг, маданиятнинг, аҳоли онгининг ва турмуш даражасининг, жамият аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини тартибга солиб турувчи бош восита деб қараш керак эмас. Жиноят сиёсати олдида келажақда жиноятчиликни камайтириш, жиноятчиликнинг комплекс сабаблари мавжуд бўлиб турган бир шароитда ўсишига йўл қўймасликдан иборатдир.

Шунингдек, М.Д. Шаргородский “Объектив шароит муқаррар равишда муайян миқдордаги жиноятларни келтириб чиқармайди. Жазодан у бера олмайдиган натижани кутиш мумкин эмас. Жазо муайян ижтимоий шароитлар туфайли туғилган жиноятчиликни бартараф қила олмайди, аммо жазо муайян ижтимоий шароитларда жиноятчиликни камайиш томонига ўзгаришига таъсир қилиши, жиноятчиликнинг ўсишига тўсқинлик қилиши мумкин” [6, Б.35]. Шунинг учун жинойи жазо ва унинг самарадорлигини тадқиқ қилган олимлар фикрига кўра, жинойи жазоларни либераллаштириш – бу жиноятчиликка қарши кураш олиб боришни тўхтатиш дегани эмас. Аксинча, либераллаштириш - у ҳар бир жинойи қилмиш учун жазонинг муқаррар эканлигини назарда тутати.

Жиноят-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш нуқтаи назаридан, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда маҳкумларнинг ибодат қилишлари учун рухсат берилган ҳамда айни дамда маҳкумларнинг онлайн олий таълим олишларига имкон берилган [10].

Жазони ижро этиш тизимидаги колонияларнинг сиғимига нисбатан сақланаётган шахслар 56,4 фоизни, бўш ўринлар 43,6 фоизни ташкил қилади.

Хулоса ўрнида қуйидаги фикрларни келтириш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида жиноят-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бироқ, қонунчиликдаги ўзгаришларга қарамасдан, жиноят ҳуқуқининг нормалари фақат Жиноят қонунида мужассамлашган бўлиб, қилмишнинг жинойилиги ва жазога сазоворлиги фақат ушбу қонун билан белгиланади.

Иккинчидан, либераллаштириш сиёсати нуқтаи назаридан, гап жиноий жазонинг энгил ёки оғирлигида эмас, балки унинг муқаррарлиги ва адолатлилики тамойилларига асосланганлигидадир. Тарихга назар соладиган бўлсак, жиноятга оғир жазолар белгилаш билан жиноятчиликни тугатиб бўлмаслиги амалда ўз исботини топган. Бу борада Ўзбекистон томонидан жиноий жазо сиёсатини либераллаштириш йўлида кўрилатган чора-тадбирлар ҳар томонлама аҳамиятлидир.

Учинчидан, ҳозирги кунда жиноят-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш борасида куйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

- тарафларнинг муросага келиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институтини кенгайтириш;
- декриминаллаштириш, яъни катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятларнинг алоҳида таркибларини жиноий ишлар қаторидан чиқариш;
- жиноий ишни қўзғатиш фақат жабрланувчининг аризасига биноан амалга ошириладиган жиноятлар таркиби рўйхатини кенгайтириш.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. 37-б.
2. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т., Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар. // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2002. – №1,7-б. (Odilkariev H.T., Tulteev I.T., Liberalization of criminal legal policy: necessity and factors. // Hukum – Pravo – Law. – 2002. – No. 1, p. 7)
3. Пулатов Ю.С. О гуманизации условного осуждения в уголовном и уголовно-исполнительном законодательстве. // Ҳуқуқ-Право-Law. –2002. – №2. – С. 81-83. (Pulатов Y.S. On the humanization of conditional sentence in criminal and penal legislation. // Hukum-Pravo-Law. –2002. – No. 2. – P. 81-83)
4. Зарипов З.С., Мирзажонов Қ. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун муқобил чоралар. // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2001. – №4, 50-б. (Zaripov Z.S., Mirzazhonov K. Alternative measures for juvenile offenders. // Hukum-Pravo-Law. – 2001. – No. 4, p. 50)
5. Коробеев А.И. и др. Уголовно-правовая политика.- Казань, 1991. – С. 7. (Korobeev A.I. et al. Criminal and Legal Policy. - Kazan, 1991. - P. 7)
6. Шаргородский М.Д. Наказание, его цели и эффективность. – Ленинград: ЛГУ, 1973. – С. 35. (Shargorodsky M.D. Punishment, its goals and effectiveness. - Leningrad: LGU, 1973. - P. 35)
7. Рустамбоев М.Ҳ. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши – давр талаби ва истиқболда такомиллаштириш муаммолари. // «Суд –ҳуқуқ ислоҳоти: назария ва амалиёт» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2001, 165-б. (Rustamboev M.H. Liberalization of criminal penalties - a requirement of the time and problems of improvement in the future. // Materials of the international scientific and practical conference on the topic "Judicial and legal reform: theory and practice". - Tashkent, 2001, p. 165)
8. Хожаназаров И.Э. Либераллаштириш – Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг марказий йўналиши. юрид.фан.ном.дисс. Автореферати. – Тошкент, 2009, 7-б. (Khojanazarov I.E. Liberalization - the central direction of legal reforms in Uzbekistan. jurid.fan.nom.diss. Abstract. - Tashkent, 2009, p. 7)
9. Гуломова М. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш масалалари. – Тошкент, 2006, 7-б. (Gulomova M. Issues of liberalization of the judicial and legal system. - Tashkent, 2006, p. 7)
10. <https://kun.uz/news/2021/01/30/ozbekistonda-ayni-vaqtda-qancha-mahkum-borligi-malum-qilindi>
11. Янгиланган Конституцияни ҳаётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар муҳокама қилинди (Measures to implement the updated Constitution were discussed) // <https://pm.gov.uz/uz/lists/view/1867>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000